

Ким айбловга дучор бўлса, фақат ўзини маломат қилсин | Ўн иккинчи ҳақ



11:25 / 20.08.2025 937

Мусулмон киши одамларнинг қалбларини ёмон гумон ва тилларини ғийбат қилишдан сақлаш учун ўзига гап тегадиган, айбситиладиган жойлардан узоқ юриши керак.

Зеро, туҳмат (айблов) келтирадиган жойларда бўлиш одамларнинг ёмон ўй-хаёлига ва гап-сўзларига сабаб бўлади. Эътикофда ўтирган кунларининг бирида Сафийя розияллоҳу анҳо онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни зиёрат қилишга келдилар. Бироз (гаплашиб) ўтирганларидан кейин онамиз (вақт кеч бўлгани учун) кетмоқчи бўлдилар. Набий алайҳиссалом кузатиб қўйиш учун бирга ташқарига чиқдилар. Шу чоқда иккита мадиналик саҳоба ўтиб қолди. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўргач, тез-тез юриб кета бошлашди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Шошманглар”, дедилар (ва Сафийя онамизнинг юзларини очиб): “(Қаранглар) Бу (менинг аёлим) Сафийя бинти Ҳужай”, дедилар. (Саҳобалар лолу ҳайрон бўлиб қолишди) ва: “Аллоҳ сақласин, ё Расулуллоҳ! Сиз ҳақингизда қандай қилиб бадгумон бўлиш мумкин?”-дейишди. Бироқ у зот ҳар галгидек бу ҳолатда ҳам сабоқ бермоқчи бўлдилар ва: “Шайтон (бетиним) инсоннинг қон томирларида айланиб юради. Мен қалбларингизга ёмонлик (ёки бирор нарса)ни васваса солишидан чўчидим”, дедилар.

Бу борада Умар розияллоху анху ҳам: “Ким айбловга дучор бўлса, фақат ўзини маломат қилсин”, деганлар.

Абдулҳамид Зайриевнинг **“Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари”**
китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.